2001 ЙИЛ 2 феврал, ЖУМА

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

Qishloq HAYOTI

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

№ 14 (6.227). Сотувда эркин нархда


## БУГУНГИ СОНДА:


**НИЯТИНГИЗ - ЙЎЛДОШИНГИЗ**



*...Попликлар ҳозирданоқ 178 та сеялка, 209 культиваторни сифатли созлаб, старт чизиғига келтириб қўйдилар. Бу мавсумда 2000 гектар майдонга плёнка остига чигит экилади.*

(1-2-саҳифаларда)



**"ОСМОН ЙИРОҚ, ЕР ҚАТТИҚ" ЭМАС!**

*Шу тариқа вилоят прокуратураси текшируви натижасида тадбиркорлик йўлига ғов бўлаётган айрим банк ходимларининг масъулиятсизлик ҳолатларига қонуний чек қўйилди.*

(3-саҳифада)

**ҲИКМАТ ЧИРОҒИ**



*Қишлоқдан Тошкентга қайтиб келарканман, отамнинг "бу кунларнинг қадрига етинглар" деган сўзлари хаёлимда айланаверади. Бу сўзларнинг замиридаги маънони уқишга уринаман.*

(1-4-саҳифаларда)


## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Маслаҳат Кенгашининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ислом ва замонавий жамият» мавзуида икки кунлик халқаро анжуман бошланди.

● Ўзбекистон Конституциявий суди ва Республика хотин-қизлар қўмитаси «Конституция ва оила» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида «Ўзбекистон санъатшунослигининг долзарб муаммолари» мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди.

● Тошкентда мустақиллик йилларида Ўзбекистон патент тизимининг шаклланиши ва ривожланиши масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида Ўзбекистон Бадиий академияси Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб чиқараётган «Ахборотнома» тақдимоти бўлиб ўтди.

● Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликлари уюшмалари, ширкат ва жамоа хўжаликлари раҳбарлари ҳамда соҳа мутахассисларининг бир ҳафталик ўқув-семинари бошланди.

● Наманганда вилоят қишлоқ хўжалик (ширкат, жамоа, фермер хўжаликлари) корхоналари раҳбарларининг семинар-мунозараси бошланди.

● Термиз давлат университети талабалари республика Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов билан бўлган учрашувда тузилажак «Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракатининг вазифалари тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

● «Бухоро-транс-терминал» автотранспорт ишлаб чиқариш компанияси қошида терминал-омбор очилди.

● Навоий шаҳрида вилоят ёшларининг Президентимизнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий Ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Томди туманининг «Бирлик» ширкат хўжалиги маркази - Утемурот овулида маҳаллий хом ашёдан қишки кийим-кечаклар тайёрлайдиган цех ишга тушди.



**Поп туманидаги "Папфен" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси йил сайин ривожланиб бормоқда. Ҳозир корхонада йилига 5300 тонна пахта қайта ишланиб, ундан 4000 тонна калава ип тайёрланаяпти.**

**Уч сменада меҳнат қилаётган 400 нафар ишчи-хизматчига уч маҳалдан иссиқ овқат тайёрлаб беріляпти. Уларнинг маошлари ўз вақтида бериб борилмоқда. Ҳар бир ишчи ўртача 25750 сўмдан иш ҳақи олишмоқда. Бундай манфаатдорлик барчани маҳсулот сифатига эътиборини оширишга ундамоқда. Тўрт йилдан буён ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 90 фоизи чет мамлакатларга экспорт қилинмоқда.**

**СУРАТДА: ип йигирувчи Наргиза Зарипова.**

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР - МУҲИМ ВАЗИФА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ёшлар масалаларига бағишланган мажлисда сўзлаган нутқида белгилаб берилган муҳим ва долзарб вазифалар мазмун-моҳиятида келажагимиз пойдевори бўлган янги авлодга таълим-тарбия бериш, уни маънан ва жисмонан баркамол этиб вояга етказиш борасидаги масъулиятли ва айни пайтда жуда хайрли ишлар ётади.***

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз - мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам - буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ.

Бу вазифаларни изчил амалга ошириш, биринчи навбатда, республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг фаолияти доирасига кириши табиий. Шу боис Кенгашнинг навбатдаги йиғилишида айнан шу масала - давлатимиз раҳбарининг ёшлар масалаларига бағишланган мажлисда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар кенг муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар ёш авлод тарбияси биз учун ҳаёт-мамот масаласи эканлиги, бу вазифадан четда туришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги, чунки Ватан келажаги, юрт тинчлиги ва турмуш фаровонлиги ҳам бугунги ёшлар билан ишлашнинг қандай ташкил этилганлигига боғлиқлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Мамлакатимизда ёшлар аҳоли сонининг асосий қисмини ташкил этади. Шуни ҳисобга олган ҳолда улар билан ишлаш барча зиёлиларимизнинг энг муҳим вазифалари сирасига киради. Эндиликда республикамизнинг барча ҳудудларида, чекка қишлоқ ва овулларда ҳам ёшлар билан ишлаш даражасини замон талаблари асосида янги поғонага кўтариш зарур.

Йиғилишда республика Маънавият ва маърифат Кенгаши «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкилий жараёнларида, оёққа туриб олиши ва мамлакатимиздаги энг баобру ижтимоий ҳаракатга айланишида ҳар томонлама ёрдам бериши зарурлиги таъкидланди. Бинобарин, маънавий-маърифий ишлар, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарғиботи «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий йўналиши бўлади.

**(ЎзА)**

## МУҲИМ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимиз Президентининг матбуот хизмати, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ҳамкорлигида «Муассасалар матбуот хизматлари фаолиятининг асосий тамойиллари» мавзуида семинар ташкил этилди. Унда турли вазирлик, идора, муассаса, ҳокимликлар, йирик корхоналар матбуот хизматлари раҳбарлари иштирок этди.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Рустам Жумаев семинарни очар экан, жамиятимизда демократик тамойиллар тобора мустаҳкамланиб бораётган айни пайтда вазирлик, идора, йирик корхоналар, жамоат ташкилотларининг фаолиятидан халқимизни тўла хабардор этиш, мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламдаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнини холис, очиқ ва хаққоний ёритишда тегишли матбуот хизматлари ходимларининг ўрни катталигини таъкидлади.

Семинарда муассасалар матбуот хизматлари ходимлари фаолиятини такомиллаштириш, журналистларнинг ахборот олиш кафолатлари ва эркинликларидан янада кенгроқ фойдаланиш, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқани мустаҳкамлаш борасида мамлакатимизда ва хорижда тўпланган тажрибаларни оммалаштириш, соҳа ходимлари малакасини ошириш борасидаги масалалар муҳокама этилди.

**(ЎзА)**

## СОЛИҚЛАР ВА ЯКУНЛАР

***Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг навбатдаги йиғилишида республика солиқ органларининг 2000 йилда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг келиб тушишини таъминлаш борасидаги фаолияти якунлари кўриб чиқилди.***

Шунингдек, 2001 йилда бюджетга маблағлар тўлиқ келиб тушишини таъминлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар муҳокама этилди.

Президент Ислом Каримовнинг Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида сўзлаган нутқи ва Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодий мажмуа ишининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги махсус қароридан келиб чиқадиган вазифалар ижроси муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Хўжаев ўз нутқида қайд этганидек, ўтган йили мўлжалланган кўрсаткичлар 101,6 фоизга бажарилган. Солиқ идораси раҳбари ДСҚнинг кўпгина ҳудудий бўлинмалари ўз олдиларига қўйган вазифани бажарганини қайд этиш билан бирга, солиқнинг айрим манбалари ва турлари бўйича тахминий кўрсаткичларни амалга оширишни уддалай олмаган баъзи солиқ бошқармаларини танқид қилди.

Мажлисда солиқ органларида кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш ишларини яхшилаш, солиқ хизмати ходимлари орасида учрайдиган салбий ҳолатларга, қонунбузарликка қарши курашни кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

**(ЎзА)**

## АТИГИ ЮЗ САТР

***Яқинда қишлоқ мактабларидан бирида бошланғич синф ўқувчилари билан учрашдик. Уларга "мактабда ўтиладиган дарсликлардан ташқари яна қандай адабиётларни ёки газета ва журналларни ўқийсизлар?" деб савол бердик.***

## САВОДСИЗ БЎЛИБ ҚОЛМАСИН

Бутун синфхонага сукунат чўкди. Барча ўқувчилар сукут сақлаганча ерга қарадилар. Улар учун ёш ўқитувчиси жавоб берди. Ахир булар лотин алифбосида ўқишса, барча газета ва журналлар кирилчада чиқса, уларни ўқишга эса "тишлари" ўтмайди, деди.

Ҳақиқатдан ҳам республикамиздаги газета ва журналлар асосан кирил алифбосида чоп қилинади. Баъзи бир нашрларгина саҳифаларидаги қисман мақола ва хабарларни лотин алифбосида берадилар.

Шунингдек, нашриётлар ҳам баҳоли-қудрат лотин алифбосида болалар учун чиқарилган адабиётларни нашр қилаётир. Аммо, булар денгиздан бир томчи, холос.

Сирдарёлик бир ўқитувчи танишимиз айнан мана шу мавзуда ҳасрат қилиб қолди. Ўғлига дарсликлардан ташқари лотин алифбосида ёзилган қўшимча адабиётлар олиш ниятида Янгиер шаҳридаги китоб магазинларига кирибди. Лекин, излаган нарсасини тополмабди. Борлари ҳам расмли китобча экан. Хуллас, ўғлим саводини чиқаришда фақат дарсликлар билан чегараланиб қолаяпти холос, деди у куюниб.

Эндиликда лотин алифбосидаги нашрларни кўпроқ чоп этиш вақти келмадимикан?! Агар бу масалани тезроқ ҳал қилмасак, болаларимизнинг билим даражаси саёз бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки, мактабда ўқитилаётган мавжуд дарсликлар уларнинг дунёқарашини замонга мос равишда кенгайтириш учун етарли билимни беролмаяпти.

**Раззоқ БОТИРОВ**

## УЙҒУНЛИК ЗАРУРАТИ

НИГОҲ

**Миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги. Бугунги кунда ушбу масала бутун маърифий дунё диққат марказида турибди, десак муболаға бўлмас.**

**Яқинда Швейцариянинг Давос шаҳрида навбатдаги халқаро иқтисодий анжуман бўлганини, унда давлатлараро алоқалар ва умуман глобал тараққиёт муаммолари муҳокама этилганидан хабаримиз бор. Ушбу форумни ўтказиш яхши анъанага айланиб қолганини ҳам биламиз. Бундан ташқари дунё миқёсида давлатлараро иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий муаммоларни биргаликда ҳал қилишга интилиш тобора кучайиб бораётганини, халқлар, миллатлар орасидаги ҳамдўстлик, ҳамжиҳатлик борган сари равнақ топаётгани ҳам ойнадек равшан бўлиб турибди. Бир сўз билан айтганда, "совуқ уруш" изғиринлари тиниб, ҳамма биргаликда тинч-осойишта бақамти яшаш, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, экологик муаммоларни биргаликда ечиш иштиёқи мустаҳкам қарор топаётир. Оврупо давлатларининг ягона пул бирлиги – еврога ўтиши ва шу каби бошқа тадбирлар миқёси йил сайин кенгаймоқда. Буни қисқагина қилиб глобаллашув жараёни дейилаётир. Ва яна айтилмоқдаки, бу жараён бунинг хоҳиш-иродамиздан қатъий назар қонуний ва муқаррар кучайиб, ривожланиб боражак. Аммо...**

**Давос учрашуви ўтаётган кунлари ўша шаҳарда глобаллашув мухолифларининг намойишлари ҳам бўлди. Яъни, ушбу жараёнга қарши одамлар ҳам бор. Улар глобаллашувнинг ижобий томонларидан кўра, салбий жиҳатлари кўплигини иддао этмоқдалар. Афтидан, бунда дунёдаги каттаю кичик давлатлар, халқлар, миллатлар бирдек наф кўрмаслигини, яъни бир қисмининг манфаатларига озор етиши мумкинлигидан хавфсирамоқдалар. Ва эҳтимолки, бу андишаларда бир қадар жон ҳам бордир. Шу боис...**

**Чиндан ҳам бу муаммо ер юзидаги ҳар бир давлат, ҳар бир халқ, керак бўлса, ҳар бир инсонга дахлдордир. Айниқса, Ўзбекистон сингари яқиндагина ўз эркини қўлга киритган, мустақил ривожланиш йўлига тушган, бениҳоя бой маънавий мероси, миллий қадриятлари сарчашмаларидан баҳриёб бўлаётган халқлар бунга қандай қарайди? Жумладан, сиз, биз буни қанақа тасаввур этмоқдамиз, қандай тушунаётирмиз?**

**Ҳазрати Алишер Навоий сатрлари: "Олам аҳли... ёр ўлинг бир-бирингизга..." деган сатрларидан бошлаб Республикамиз Президенти Ислом Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" китобида таъкидлаган: "Иймоним комилки, тарихни можаролар ва адоват эмас, балки халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради", деган эзгу ниятгача бир нарсани биз, ўзбек халқи, Ўзбекистон аҳли азал-азалдан ҳамиша дўстлик, бирдамлик, ҳамкору ҳамнафаслик тарафдори бўлиб келаётганимизни кўрсатади. Яъни биз тенглар ичра тенг бўлишни, ўз элимизни, ўз юртимизни ўзимиз, ўз кучимиз, ўз салоҳиятимиз билан ривожлантиришни ва шу аснода жамики кишилик тараққиётига муносиб ҳисса қўшишни истаймиз. Бу бир томондан.**

**Иккинчи жиҳатдан, маърифий дунё илму фани, техникаси тараққиёти ютуқларидан, илғор тажрибалардан, энг сўнгги кашфиётлардан баҳраманд ўлароқ жаҳонда ўзимизнинг пешқадам ўрнимизга эга бўлишни хоҳлаймиз. Ва бунга бугун ҳамма имкониятимиз бор.**

**Цивилизациянинг азалий ўчоқларидан бири, дунёга кўплаб буюк кашфиётларни, беназир алломаларни берган ўзбек заминида маънавият бугун ўзининг бамисоли иккинчи "уйғониш даври"ни, янги юксалиш босқичини бошдан кечирмоқда. Айнан шу босқичда биз учун миллий ўзликни англаш, миллий уйғониш ва юксалиш жараёнини умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш жуда-жуда муҳимдир. Худди шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг ўн йиллигини нишонлаш ҳақидаги ҳукумат қарорида, давлатимиз раҳбарининг республика ёшларининг янги ижтимоий ҳаракатини тузишга бағишлаб ўтказилган анжуманда сўзлаган нутқида ана шу уйғунлик зарурати такрор-такрор таъкидланди.**

**"Барчамиз яна бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз кераккки, биз давлатимиз ва жамиятимиз келажагини ўз чегараларимиз, ўз қобиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз", деди давлатимиз раҳбари.**

**Яна таъкидландики, биз учун мана шу йўл, мана шундай уйғунлик маъқул, унинг бошқа муқобили йўқ.**

**Ушбу уйғунликнинг моҳияти содда қилиб айтганда, ўзимизда асрлар давомида тўпланган маънавий бойликни, жаҳон маърифий-маданий дурдоналари билан қўшиш, янада кучайтириш ва янги замон кишисининг онгига, шуурига сингдириш, кўнгил мулкига айлантиришни назарда тутади. Шубҳасизки, бу борадаги мувозанат, мутаносиблик, меъёр ҳамда мезонлар аниқ, одилона, холис бўлмоғи ва зинҳор-зинҳор бузилмаслиги зарур. Акс ҳолда бунинг қандай нохуш оқибатларга олиб бориши мумкинлигини биз яхши биламиз.**

**Мухтасар қилиб айтганда, миллий қадриятларимизни қадрлаб, умумбашарий маънавият хазинасидан баҳраманд бўлиб тафаккур юксакликлари, тараққиётнинг ёруғ кенгликлари сари интилайлик.**

**Янги замон талаби, уйғунлик зарурати шундай.**

## ТАШАББУС СЎНМАСИН

***Бир пайтлар мамлакат катта карвонининг олдинги сафларида юрадиган Поп туманида сўнгги йилларда ишлар орқага кетди.***

Пахтачилик, ғаллачиликда ҳосилдорлик кескин пасайди. Саноат, қурилиш, ободончилик соҳасида ҳам ишлар ўлда-жўлда қолди. Оқибат... Вилоят ҳокимлиги ўтган йилнинг авжи кузида Халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдан ташқари сессияни чақиришга мажбур бўлди.

## ПОПЛИКЛАРНИНГ ЭЗГУ НИЯТИ

Попга янги ҳоким келди. Кўп нарса раҳбарга, унинг иш тутимига, одамлар қалбига йўл топиш маҳоратига боғлиқ бўларкан. Куни-кеча тумандаги "Дўстлик" ширкат хўжалигида қишлоқ хўжалиги техникаларини кўкламги экиш мавсумига ҳозирлаш бўйича вилоят семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Анжуман баҳонасида унинг қатнашчилари туман қишлоқларини айланиб, ҳамма жойдаги сарамжон-саришталикдан мамнун бўлдилар. Попликлар қиш "юмшоқ" келганидан фойдаланиб, баҳорги юмушларнинг аксариятини бажариб қўйдилар. Дала шийпонлари, машина-трактор парклари таъмирланиб, бу ерда механизаторлар, дала меҳнаткашлари учун барча шароитлар муҳайё қилиб қўйилмоқда. МТПларда, дала шийпонларида дам олиш хоналари, сауналар, мол, қўй, парранда боқишга мўлжалланган ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилаётгани айниқса барчага манзур бўлди.

Ўша йиғинда туманнинг эъзозли оқсоқолларидан Абдураҳмон ота Ҳамидов бир гап айтди:

-Попимизга янги раҳбар билан бирга файз-барака қайтди. Одамларда умид уйғонди, - деди у. – Рустамжон Исматуллаев ишни тозаликдан, ободончиликдан бошлади.

(Давоми 2-бетда)

## ТАДБИРКОРГА ПАНЖА ОРАСИДАН ҚАРАМАНГ!

ҲУҚУҚ

***Тадбиркорга қонуний йўл очилган. У корхона ташкил этаётир, маҳсулот ишлаб чиқараётир, фуқароларни иш билан таъминлаётир, юртни обод этиб, элга хизмат қилаётир. Ишбилармонда катта интилиш бор.***

У – мустақиллик даврининг меҳвари. Тадбиркор тиним билмайди, қўли-қўлига тегмайди, янгиликка талпинади. Фикрида эзгу ғоялар чарх уради. Оқилона меҳнат қилади. Юрт фаровонлигига ҳисса қўшай, дейди. Аммо,гоҳо унинг "қўли" калталик қилади. Маблағи етишмайди. Шундай пайтда кўмак истайди. Уни қўллаб-қувватловчи эса – қонун!

Тадбиркорга мададкор бўлсин учун кредит олиш ҳуқуқи берилган. Демак, ишбилармон банкка келади. Унга банклар ёрдам қўлини чўзаяптими? Тадбиркорлар банклардан миннатдорми? Кредитлар олиш учун қонунлар, Республика Президенти Фармони билан қатор кулайликлар яратилган бир пайтда тадбиркор "Отангга бор, онангга бор" ҳолига тушмаяптими?

Шу каби масалаларни ойдинлаштириш мақсадида вилоят прокуратураси акционерлик тижорат "Ғаллабанк" вилоят бўлимида деҳқон, фермер хўжаликлари, ўрта ва кичик бизнес субъектларига кредит маблағлари беришда қонунларга риоя этиш ҳолатларини текшириб чиқди.

Амалга оширилаётган ишлар бор. Аммо, айрим қонун бузилиши ҳолларига тоқат қилиб бўлмайди. Айниқса, якка тартибда фаолият юритаётган, тадбиркорлик билан шуғулланаётган фуқароларнинг мурожаатларига банкда "панжа ораси"дан қаралаётганлиги текшириш давомида маълум бўлди. Баъзи фуқароларнинг кредит сўраб берган аризалари ҳеч қаерда қайд этилмаган, тадбиркорлар томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга совуққонлик билан муносабатда бўлинган. Хўш, бундай бепарволик орқасида қандай манфаат ётган? Банк ходими қонуний иши, вазифаси бир томонда қолиб, нима учун "ўзибўлар"чиликка берилди? Айни пайтда тадбиркорликка ғов бўлиб қолганлигини наҳотки англаб етолмади?!

(Давоми 2-бетда)

## МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ!

***Яқинда меҳнат таътилига чиқиб, Қашқадарёга, қадрдон қишлоғимга отландим. Сафар олдидан бозорга кириб, ул-бул харид қилдим. Кулайликни қарангки, Тошкентнинг "Отчопар" бозори биқинидаги махсус бекатда шахсий автобуслар турна қатор тизилиб турибди.***

Беихтиёр 10-15 йиллар илгари – талабалик кезларимда кўрган манзарани эслайман: нураб, тўкилай деб турган иморатлар, кўзга чалинадиган, томи қийшайиб кетган ночор чойхонаю ошхоналар. Йўловчилар ҳордиқ чиқарадиган, тамадди қилиб оладиган жойлар деярли йўқ, катта йўлнинг аксари қисми бийдай дашт эди.

Бугун эса ўша кўримсиз жойлар ўрнида ўнлаб ошхона, чойхона, савдо расталари қад ростлаган. Йўл-йўлакай иккиуч бор тўхтадик. Пештоқига "Қосимжон номидаги автомобиллар устахонаси", "Анвар ҳожи қайта ишлаш кичик корхонаси", "Мадинабону хусусий дорихонаси", деб ёзиб қўйилган биноларга фахрланиб қарайман.

## ҲАЁТ ЗАВҚИ, ЭРКИНЛИК БАХТИ

Улар сизни йўлингиз тушган томонга – Самарқанду Фарғона, Қўқону Хоразм, Қаршию Нукус, Андижону Бухоро – хоҳлаган манзилингизга элтиб қўяди.

Шаҳрисабзга қатнаётган автобусга ўтиришим билан жойидан қўзғалди...

Узоқ йўлга чиққанда кимдир газета ўқийди, кимдир ёнидаги ҳамроҳи билан чақчақлашиб кетади, кимдир...

Мен эса автобус ойнасидан йўл четида қад ростлаган янги уй-жойлар, маиший хизмат биноларини кузатаман. Бир-биридан гўзал, шинам ва бежирим.

Қишлоғимизни эслайман. Бутун қишлоққа биргина дўкон хизмат қиларди. Ёғ, ун, шакар келса, ур-тўполон бўлиб кетарди. Пастқам, томсувоқ уйлар мунғайиб турар, қишда ўтин излаб сарсон бўлардик.

(Давоми 4-бетда)

## ШОҲСУПАДАН БАЛАНД ҒУРУРЛАР

### ҚАЙТАРИШНИ ОРЗУ ҚИЛ, ЎҒЛИМ!

БУХОРО ПОЛВОНЛАРИ

***Вилоят пахтакорларининг "Ҳосил" байрамида кураш қизигандан қизиди. Баковул ҳар товоқни эълон қилганида гур-ей, гур-ей, полвонлар талабгор бўлиб чиқди.***

Номдор полвонлардан "қайтгани" Баҳодир полвон бўлди. Кечагина ҳарбийдан келган чайиргина бўлиқ йигит у билан тап тортмай курашди. Охири Баҳодир полвонни чарчатди. Тўй курашида баковуллар нафас ростлаш учун танаффус эълон қилди. Номдор тарафга бироз раҳм қилинди чамамда. Навқирон полвон кишнаган отдек ижирғаниб бир тепинди. У ғалаба иштиёқида сармаст эди. Кўринишидан танаффусдан норози қиёфада майдон четлади. Бироз дам олишдан кейин давом эттирилган кураш ёш полвоннинг шаштини баттар кучайтирди. Баҳодир полвон осила бошлади. У зўрларга ишлатадиган бирорта нозик ҳунарини ишга солишга пайт пойлаётган эди. Мана, унинг ўнг оёғи билан чил солишга киришди. Ўнг оёқ ҳавода муаллақ қолди. Чап оёқ пошнасидан олдинга қараб берилган кучли зарба салкам юз килолик юк билан ерга "михлаб" қўйилган чап оёқни ердан супириб ташлади. Полвон гурсиллаб қулади. Ҳалол!!! Баҳодир полвон тумандошлари тўдасига ерга қараб қайтди. У энди укаси Отабек полвондан нажот кутарди.

Отабек полвон акасини йиқитган полвонга талабгор бўлди. Ғолиб полвон кўнмади, чеккагирлади. Отабек полвон унинг йўлини тўсди. Йўқ, ризолик ололмади. Ор гур-гур ёнди, бадан қўл куйдирди.

Баковул навбатдаги товоққа сас берди: шохлари тарвақайлаб кетган уч яшар қўчқор! Кўкраги ёлдор полвон товоқ кўтарди. Унинг рақиби Отабек полвон бўлди.

Отабек полвон билди, акасининг курагини ерга теккизган полвон тарафидан бу рақиб. Анойилардан эмас, тўй кўрган, давра кўрганлардан.

(Давоми 4-бетда)


## КЕЛГУСИ СОНДА:

САНАЦИЯ: ЯКУНЛАР, МУАММОЛАР, ВАЗИФАЛАР

БОЙ БЕРИЛГАН ФОЙДА

КЎҲНА САНЪАТНИНГ ЯНГИ ПАРВОЗИ

